

**Қилмишни хавфли рецидив жиноят деб топиш учун шахс илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноят содир этган бўлиши керак.**

Арнасой туман суди томонидан Р., ЖК 248-моддасининг 2-қисми билан судланган.

Апелляция инстанцияси судининг 2002 йил 11 июндаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ҳукмга кўра, Р. бир дона қирқма милтиқ, 7 дона патрон, 37 дона пистонларни қонунга ҳилоф равишда рухсатномасиз сақлаб келганликда айбдор деб топилган

Жиззах вилоят суди раёсатининг 2003 йил 30 январдаги қарори билан Р. нинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 248-моддасининг 2-қисмидан шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилинган.

Суд Р.нинг ҳаракатларини ЖК 248- моддаси 2- қисми билан квалификация қилишда унинг муқадддам судланганлигини асос қилиб олган.

Жиноят иши материалларидан маълум бўлишича, Р. муқаддам ўғрилик ва безорилик жиноятлари билан судланган.

Жиноят кодексининг 34-моддасига кўра қилмишни хавфли рецидив жиноят деб топиш учун шахс илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноят содир этган бўлиши керак.

Р. илгари қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга ҳилоф равишда эгалик қилиш жиноятга ўхшаш жиноятни содир этмаганлиги учун ҳам вилоят судининг раёсати суд қарорларини ўзгартириш ҳақида тўғри фикрга келган.